

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БҮЙИЧА БҮШ ПРОФЕССОР-ҮҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Доцентлар

Даволаши факультетига қарашили
“1-сон факультет ва госпитал терапия”
кафедраси

Даволаши факультетига қарашили
“2-сон болалар касаллуклари” кафедраси

Катта үқитувчилар

Даволаши факультетига қарашили
“2-сон болалар касаллуклари” кафедраси

Малака ошириши факультетига қарашили
“УАШ қайта тайёрлашы ва малакасини
ошириши” кафедраси

Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетига
қарашили “Тиббий ва биологик кимё”
кафедраси

Тиббий профилактика факультетига
қарашили “Информатика ва биофизика”
кафедраси

Тиббий профилактика факультетига
қарашили “Анатомия ва клиник анатомия”
кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой
муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.
Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уи.**

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти

Салимов Жўравой ИСЛОМОВИЧНИНГ

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чукур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinnbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abduqodirova, D.Xudoqulov

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Бепул тарктилади

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiya RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobi
ko'chasi, 2-uy

Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Topshirish vaqt: 14.00



ТІВВІОТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 9 2018 YIL 25 SENTYABR



Қутлаймиз!

Қадрли профессор-үқитувчилар, хурматли
устозлар!

Сиз азиزلарни яқинлашиб келаётган Үқитувчи
ва мураббиylар куни билан самимий табриклайман.

Шуни алоҳида таъқидлаш жоизки, Тошкент тиббийт
академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда
қўлга киритиләётган ютуқларни устозлар
иштирокисиз тасаввур қилиш қийин.


Уларнинг шарафли, аммо заҳматли мөҳнатдаги,
илмий-ижодий изланишдаги ҳамда ўқув жараёнида-
ги жон фидолигини юксак қадрлаймиз.

Изланувчан, иқтидорли, ҳар томонлама етук,
фаҳрланишга арзидиган талабаларимиз сафи
йип сайин ортиб бораётгандиги бизни беҳад шод
этади.

Қадри баланд муҳтарам устоз-мураббиylар!
Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор
мураккабод этаман.

Сизларга тани-сүҳатлик, узоқ умр, оиласи
баҳт, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дастурхонингизга файзу барака тилайман. Илмий ва
ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар ва омад
ёр бўлсин.

Л.ТУЙЧИЕВ,
Тошкент Тиббиёт академияси ректори



Талабани фақат билиш учун ўқитиш эмас, балки асосий – ишлани
билиш учун ҳам ўқитиш керак. Шаксиз, ушбу кўнишка ўқитишнинг
асосий мақсади хисобланади, билим эса бу йўлда ташланган қадамdir.



X
икмат

ЭТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ...

Ҳар йили сентябрь ойининг сўнгги
кунларида қўлларида анвойи
гуллар, юзларида қувончу табассум
билан мактабларига ошиқаётган
ўқувчиларга кўзимиз тушганда
юрагимиз орзиқиб кетади.

Шу куни ўқувчилар муаллимларига алоҳида
эҳтиром кўрсатадилар, меҳру муҳаббатларни на-
мойиш этадилар. Чунки бу
байрам улар учун энг азиз,
энг меҳрибон инсонларнинг
байрами-да. Ўқитувчилек катта,
энг мураккаб санъат-
дир. Ушбу касбни эгаллаган
шахса аввало инсонийлик,
фидойилек ва ватанпарвар-
ликдек муқаддас туйғу қарор
топади. У инсонни тарбиялаб,
вояга етказади, ҳаётiga маз-
мун олий кириб комиллик
сари йўналитиридан. Бошлангич
таълим ўқитувчиси мактабда
ёш, нозик ниҳолларни тарбия-
лайди. Агар нозик ниҳоллар
яхши ўтказилиб, тўғри тар-
бияланса, соғлом униб-ўсса,
уларнинг кейинги тараққиёти
ҳам самарали бўлади. Олий
ўқув юртларида ўқиётган ёш-
ларимизни эса касбга тай-
ёрлаш, уларнинг маънавий
дунёсини янада бойитиш эса
шу олий ўқув юртлари педагог-
ўқитувчиларидан чукур масъ-
упиятни талаб этади. Ҳозирда
талабаларга турли-туман билимлар
тўпландиган объект, яни фақат билимдин
мутахassis деб эмас, балки,
интеллектуал ва маънавий
жиҳатдан баркамол фазилат-
ларни ўзлаштируви инсон
деб қаралади.

Жамиятимиз тараққиёти,
иқтисолид ривожланиши тиббийт
йўналишидаги олий ўқув
юртлари олдига ҳам юқоридаги
мақсадларни амалга ошириш
да мактаб ўқитувчилари ва
олий таълим мусасасалари
профессор-ўқитувчиларига
берилаетган моддий ва маънавий
рағбатлантиришлар, имтиёзлар,
имкониятлар бу соҳа
ходимларига қаратилаётган
ғамхўрликлар намунасидир.

(Давоми 2-бетда.)

ЭЪТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ....

(Давоми. Боши 1-бетда.)

“Ўқитиш – икки баробар ўқиш демақдир”, – деганди алломалардан бири. Демак, педагогларнинг ўзи кўпроқ ўқиши, ўрганиши керак. Бунинг учун аввало мураббий – педагогларнинг ўзи ибрат кўрсатмоғи лозим. Шунда уларга талабарни шонади, ўрнак олади, уларга эргашади. Ўрнак олиш натижасида яхшиликлар куртак очади, палак ёзди, эзгу ибратлар эса ҳамиша инсониятга файзли хизмат қилиб келган. Устоз бўлиш учун ҳам бир қатор талаб ва қоидаларга амал қилимок лозим. Чунончи, мавлоно Содик Қошқарий (XV аср) “Одабия” асарида устоз бўлишининг 400 дан ортиқ қоидаларини баён қилган. “Яхши ўқитувчи бўлиш учун нимани ўқитсанг – ўшанга, кимни ўқитсанг – ўшаларга меҳр кўймоғинг зарур”, – деган эди машҳур педагоглардан бири В.О.Ключевский.

Хозирги замон педагогининг асосий фазилатларидан бири – ўз касбига садоқатлилиги, гоявий эътиқодлилиги, ўз касбни севиши, бу касбга нисбатан чексиз садоқати уни бошка касб эгаларидан ёзилтириб туради.

Ана шундай ардоқли, ўз касбнинг фидойи эгалари бўлган мўътабар устозлар, тиббиёт илмининг етук олимлари Тошкент тиббиёт академиясида ҳам жуда кўплаб топилади. Булар : Ў.Ф.Анинг академилари: Т.Даминов, Ш.Каримов,



А.Аляви, профессорлар: Н.Насритдинова, А.Гадоев, О.Мирзазеев, Ш.Зокирхўжаев, Г.Шайхова, Т.Бобомуратов, Б.Маматкулов ва бошча ўнлаб устозлар..... Зотан, шоирнинг кўйидаги сатрлари ҳам бежиз ёзилмагандек:

Мехрингиз қалб-қўри садоқат ила, Зарварақ ҳаётдан бердингиз таълим.

Илму зиё нурин сочган ўзингиз, Сизга минг бор таъзим, устоз-муаллим!

Мамлакатимизда ҳар йили зўр кўттарниклик ва тантанали руҳда нишонланадиган инсон руҳининг “инженерлари” деб аталмиш ша-

рафли касб эгаси – устозлар байрами ҳам бунинг эътирофи демак... Биз ҳам Тошкент тиббиёт академиясининг барча профессор-ўқитувчиларини **1 октябрь – “Мураббийлар ва ўқитувчилар куни”** билан самимий кутлаб, уларнинг энг шарафли, шу билан бирга ўта маъсъулиятли ва машақатли ишларида муваффакиятлар тилаб қоламиш!... Юзидан нур ёғилгувчи азиз устозлар, доимо саломат бўлинг, эътирофимиз, хурматимиз сизга, фидойи, қадрли устозлар!


Шоира ҚОДИРОВА, тиббиёт педагогика факультетининг 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси катта ўқитувчиси

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА “БИЗ ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИМИЗ” НОМЛИ ТАЛАБАЛИККА БАҒИШЛОВ ТАДБИРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкент Тиббиёт академиясига 2018-2019 ўқув йилида ўқишига қабул қилинган талаба-ёшлар учун “Биз Ибн Сино издошларимиз” номли “Талабаликка бағишли” тантанали маданий-маърифий байрам дастури жорий йилнинг 5 октябрь санасида “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтиши режалаштирилди.

Тадбирда санъат саройининг фойесида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи, гиёхвандлик, кашандаликларнинг салбий таъсирини ўзида акс эттирган расмлар ва баннерлар кўргазмаси, Академиянинг иктидорли талабалари кўлга кириган фан олимпиадалари, ҳалқаро конференциялар иштирокчилари сертификатлари кўргазмаси, “Янги аср авлоди” таҳририяти томонидан босмадан чиққан китоблар ярмаркаси ташкил этилади. Тадбирнинг тантанали қисмida Тошкент Тиббиёт академиясига 2018-2019 ўқув йилида талабаликка қабул қилинган барча факультет талабаларининг тантанали қасамёди тадбирнинг бадиий кириш қисмida дунё илм-фани тамаддунига улкан ҳисса кўшган олимлар Афлотундан Академия тимсолини, Гиппократдан қасамёд сўзлари битилган рамзий битикни, Абу Райхон Берунийдан Хоразм Маъмун академиясининг рамзий белгисини, Абу Али ибн Синодан “Тиб қонунлари” китобини, ҳисса кўшган бобока-

(Давоми 3-бетда.)



Яхши ўқитувчи бўлиш учун нимани ўқитсанг – ўшанга, кимни ўқитсанг – ўшаларга меҳр кўймоғинг зарур...



Хикмат

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти

Каримова Мавлуда Турабжоновна 60 ёшга тўлди. Шу муносабат билан

Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси жамоаси номидан чин қалбимиздан юбилияримизни табриклаб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оиласида тинчлик ва хотиржамлик ҳамда келажакдаги меҳнат фаолиятларига муваффакиятлар тилаб қоламиз.

Юбилияримизнинг ҳаёт сарварларига назар ташласак, ёш авлод ҳавас қилиб ўрганадиган бир тарихдир: Каримова Мавлуда Турабжоновна 12 сентябрь 1958 йил Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. Ўрта мактабни аъло баҳоларга битирганидан сўнг, 1975 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишига кирди ва институтни 1981 йилда имтиёзли тугатиб, ота-оналарининг касбини давом эттиришга қарор қилди. Чунки, боболари Ғуломов Кўчкор Ғуломович таникли жарроҳ, факультет ҳирургия кафедраси доценти, уруш қатнашчиси, кўплаб мутахассислар тайёрлашда фаоллик қилиган мураббий, оталари – Ғуломов Турабжон Кўчкорович, тиббиёт фанлари доктори, профессор лавозимида Тошкент Давлат тиббиёт институтида нормал физиология кафедрасида кўп йиллар давомида кафедра мудири вазифасида ишлаган устоз-мураббий, таникли физиолог, республика физиология фанининг ривожланишида кўп ҳисса кўшган олим. Мавлуда Турабжоновнанинг волидаи муҳтарамалари – Ғуломова Муаттар Шоаҳмедовна тиббиёт фанлари номзоди, доцент лавозимида Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида кўп йиллар фаолият кўрсатганлар. Шифокор олимлар оиласида туғилиб, вояж етган Мавлудаҳон Турабжоновна ота-онасининг муқаддас ва олижаноб касбини давом эттириб, қарори 36 йил мобайнида тиббиёт соҳасининг энг мураккаб жабҳаларидан бўлган, врач-инфекционист касбни эъзозлаб эл-юрт хизматидаидир. Улар шириңсўз устоз, кўли ёнгил шифокор, меҳрибон она ва бағрикенг бувижондир.

Мавлуда Турабжоновнанинг укаси Баҳодир Турабжонович Ғуломов – тиббиёт фанлари номзоди, жарроҳ олим, умумий хирургия кафедрасида устозлик қилиган, кўп йиллар давомида тез тиббиёт ёрдам илмий марказида тиббиёт фанининг ривожланишига ҳисса кўшиб, директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Мавлуда Турабжоновнанинг синглиси Мақсада Турабжоновна Зубайдуллаева тиббиёт фанлари номзоди, УАШ тера-пия кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Бу шарафли кунларга этиб келиш Мавлудаҳон Турабжоновна осон бўлмади. 1983-1988 йил. – Кардиология илмий-текшириш институти кичик илмий ходими ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти кичик илмий ходими лавозимида ишлаб юрганида ёш олима Мавлуда Турабжоновна республикамизда юқумли касалликлардаги долзарб муаммоларидан бири бўлган – ҳомиладор аёлларда вирусли гепатит “B”нинг кечишида интерферон статусининг ўзгаришини, илмий раҳбари – Республикада кўзга кўринган олима, тиббиёт




Шунингдек, Мавлуда Турабжоновна тиббиёт академияси тиббиёт-профилактика факультети муаммолар комиссиясининг Юқумли касалликлари бўйича секция аъзоси. Кафедрада “Юқумли касалликлар” магистратура йўналишининг программа директори бўлиб ишлаб келмоқда. Бир нечта магистр-талаబарининг илмий ишига раҳбарлик қилинган.

Мавлуда Турабжоновнанинг илмий салоҳияти таҳсинга лойик; “Юқумли касалликлар” бўйича ўқув адабиётига ҳаммуалиф, 20 тадан ортиқ ўқув услубий кўлланмалар, 70 тадан ортиқ мақола ва тезислар мулалифидир. Улар ўқув жараёнини давр талаблари асосида информацион-технология янгиликлари билан бойитишга, магистр-талаబарларни ёш педагогларни мутахассис қилиб тайёрлашга куюнчаклик билан ёндашади. Бу ишларда елкада бўлган турмуш ўртоқлари Каримов Амкал Хатировичнинг ҳиссалари катта. Улар техника фанлари номзоди, доцент, ҳалқаро миқёсдаги мутахассис лавозимида хизмат қиладилар. Уларнинг фарзандлари ота-оналари изидан бориб, катта ўғиллари техника фанлари доктори – ҳалқаро миқёсдаги иқтисодчи, қизлари – эндокринолог, илмий изланувчи, кичик ўғиллари тадбиркор. Шу кунларда устоз ўзининг юбилей ёшини нишонламоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб, Мавлуда Турабжоновнанинг ҳамкаслабарни, шогирдлари таваллуд топган кунлари билан чин дилдан табриклайдилар.

Кафедра ходимлари, шогирдлари

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсиидир...



Хикмат

МУРАББИЙ, АДИБ ВА ОЛИМ

"Илм – инсон тафаккурининг гавҳари ва жавҳаридир"


Николай Пирогов

Нуғузли Академиямизнинг фаол, фидойи ва жонкуяр, илмни бошига ток қилиб кўтарган профессор-ўқитувчилари жуда кўп. Улар нафақат Академиямиз, балки республикамиз тиббиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшиб, жаҳон андозалари даражасига чиқишимиз учун беминнат хизмат қилмоқдалар. Ана шулардан бири –Умумий ва болалар хирургияси кафедраси ходими, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали болалар жарроҳи Алижон Зоҳидович Фақировдир.

У 1964 йили Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Охунбоев колхозида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1971 йили ўрта мактабга бориб, уни 1981 йили олтин медаль билан тутагтган. 1982-84 йиллари армиянинг Ички ишлар кўшинида маҳсус хизмат – Конвой ротасида хизмат қилган. Аъло хизматлари учун ўнлаб медаллар ва "За отличие в рядах ВВ" орденининг 1-2 даражалари ҳамда олий ўкув юртига кириш учун тавсиянома билан тақдирланган. 1985 йили Ўрта Осиё Медицина Педиатрия институтига ўқишига кириб, уни 1991 йили имтиёзли диплом билан тутагтган. 1990 йили 26 ёшида карат бўйича қора белгоп соҳиби бўлган. 1992 йили анатомия кафедрасида ассистент лавозимида ишлаш билан бирга болалар хирургиясидан ординатуруни якунлаб, болалар жарроҳи гувоҳномаси олган. 1993 йили иккичи мутахассислик – Алишер Навоий номли тил ва адабиёт институтини "Эски ўзбек ёзуви" мутахассислиги бўйича имтиёзли дипломга тутагтган. 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасига, 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмасига, 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Ихтириопilar жамиятига аъзо қилиб қабул қилинган бўлиб Алижон Зоҳидий тахаллуси билан 63 та китоб ва risolalar чоп этган (авзолик гувоҳномаси № 746). 1997 йилда ихтиrolari bilan Venegriya xalқaro kўrgazmada қatnaшиб surʼin oлган, shу йили Ўзбекистон Республикаси Uluғbek xamgarmasi mukoфotiga sазovor bўлган. 2-ToshMida 1998 йилдан bўyin oлиy тоифali bolalalar жарроҳi, 2004 йилда "Болаларда эпизодияни хирургик коррекциялаш" мавзусида фан номзодлиги диссертациясини xимоя қilган va 2005 йилдан ToshMA umumiy xirurgiya va bolalalor xirurgiyasi kafedrasida ўkuv iшlari bўyicha masъul xodim sifatiда faoliyat yuritish bilan birga Ўзбекистон Республикаси Bolalalor kam invaziv endovizual xirurgiya ilmий-amaliy markazida oлиy тоифали жарроҳ sifatiда faoliyat yuritib kелган. Iш faoliyati mobaynida 27 ta ихтиrogda

Хикмат

Ўқитувчи энг масъул вазифани адо этади –
у инсонни шакллантиради.



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА "БИЗ ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИМИЗ" НОМЛИ ТАЛАБАЛИККА БАГИШЛОВ ТАДБИРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

(Давоми. Боши 2-бетда.)

лонларимиз – И мом Бухорий, Ал-Фарғоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Захирiddин Муҳаммад Бобурдек аждодларимиз мэрорини, маънавий сарчашмаларини чукур ўрганишга, эҳтиёт қилиб бойитиш, улар ёқсан чироқларни янада мунаввар этишга, замонавий даволаш ва диагностика усулларини чукур ўзлаштириб, юқори малакали шифокор бўлишга, даволаш санъатини ўз билимларига таянган ҳолда беморлар

манфаатига қаратишга, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб килиш, касалликларинг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаш, шифокор этикаси ва деонтологияси тамойилларига амал қилиш, беморларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ҳеч қажон ошкор қиласликка, ота-она олдиғаги фарзандлик бурчини унумаслик, уни тўла адо этиш каби пурмаъноғояларни ўзида муажассам этган сўзлар билан қасамёд этадилар.

Шунингдек, тадбирда, "1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни" муносабати билан Тошкент тиббиёт академиясида

фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларни тақдирлаш маросими ҳамда Академиянинг маданият ўйи бадиий ҳаваскорлик тўгараги иқтидори талабалари томонидан концерт дастури ўтказилиши режалаштирилди.

Режалаштирилган ушбу тадбирни ўтказиша Академиянинг барча профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларимизнинг фаол иштирок этишларини тилаб қоламиз.

Д.ХУДАЙҚУЛОВ,
**ТТА маънавият ва маърифат
бўлими бошлиги**

БАРКАМОЛ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ...

Йигит-қизларимизнинг пухта таълим ва тарбия олиши, интеллектуал даражасини юксалтиришга кўмаклашиш мақсадида "Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунининг амалга оширилиши, шунингдек, 2018 йил 28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Ёшлар – келажагимиз" Давлат Даствури тўғрисидаги Фармоннинг имзоланиши ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, фоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ҳар бир ёш юрт, жамият, қолаверса миллат эртаси демакдир. Улар учун жаҳоннинг энг замонавий фан ва техника ютуқларидан хабардор бўлиш ва нуғузли таълим даргоҳларида ўқиш имконияти мамлакатимизда мавжуд. Таълим, ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиш масаласи мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилимоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларга яратиб бериладиган шарт-шароитларнинг чегараси йўқ, йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбini амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўкув юртларини битириб чиқаётган ёшларнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериши масаласига янада жиддий эътибор бериладиганлиги ёшларга нисбатан давлатимиз томонидан кўрсатилаётган кўплаб ғамхўрликларнинг бир ифодаси ҳисобланади, улар замирида мамлакатимиз келажаги бўлган – ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний етук, соғлом, эртанги кунимиз учун муносиб мутахассислар бўлиб этишишларига қаратилган фоялар ва фикрлар ётади. Бу борода республикамизда олиб бориладиган илмий-амалий изланишлар билан бир қаторда хориж мамлакатларининг замонавий, илгор технологияларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса чет эллик етук мутахассис профессор-ўқитувчилар томонидан маърузалар, амалий тренинглар, маҳорат дарсларида иштирок этиш амалий аҳамиятга эга. Шу нўктаи назардан жорий йилнинг 25-29 август кунлари Германиянинг Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган Европа кардиология жамияти Конгрессида қатнашган жаҳоннинг 200 мамлакатидан 34 мингта иштирокчи сифатида 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедра-

си "кардиология" йўналиши 2-курс магистри Мирмақсудов Мираҳмаджон ҳам қатнашди. Ушбу Конгрессада жаҳоннинг Англия, Германия, Франция, Россия, Италия, АҚШ ва бошқа кўплаб мамлакатлар етакчи олимлари томонидан кардиологиянинг юрак ишемик касаллиги, аритмиялар, юрак етишмовчилиги, артериал гипертензия, атеросклероз, ревматологик касалликларни вақтида ташхислаш учун хавфли омилларни ўз вақтида тўғри баҳолаш, тезкор диагностик чора-тадбирларни кўллаш, даволаш усулини шунга монанд танлаш мухим роль ўйнашини, кардиохирургиянинг ўрни, замонавий даволаш усулларида янгиликларни жаҳон бўйлаб кенг жорий этиш маърузаларда алоҳидат таъқидланди. Турли йўналишдаги семинарларда эса ўзаро тажриба алмашиди. Нуғузли ушбу анжуманда Мирмақсудов Мираҳмаджон ҳам ўзининг "Ўтиқор коронар синдром" мавзусига бағишиланган постер маърузаси билан ҳам қатнашди. У ўз чиқишини инглиз тилида мукаммал талқин этди.

Бу халқаро Конгреснинг аҳамиятлилиги яна шундан ҳам иборат бўлди, Ўзбекистон Кардиологлар уюшмаси Европа Кардиология жамияти аъзолигига қабул қилинди.

Миллатнинг етуклик даражаси ҳар бир давлатда ёшларга ўз билими ва маърифатини ошириш учун хилмачил шаклдаги шароит яратилганини билан белгиланади. Юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, ёшларнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, кўлга киритаётган муваффакиятларини кўриб, юрт истиқболини тасаввур этиш қийин эмас.

**Шаҳноза ХОДЖАНОВА,
2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПСИХИАТРИЯ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ҳозирги кунда аҳолининг руҳий саломатлигига оид муаммолар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Руҳий касалликлар мұхим ижтимоий, тиббий ва иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу касалликларнинг ривожланишидаги асосий омиллар, биринчи навбатда, атрофдаги ижтимоий мұхит, иккинчи ўринда эса, албатта, психиатрик ёрдамнинг қанчалик сифатли, самарали ва ўз вақтида кўрсатилишига боғлиқ.

Охирги йилларда юртимизда аҳолига психиатрик ёрдам кўрсатиш хизмати, даволаш ва профилактик муассасалари фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатдик, Республикализ миёссида психиатрик даволаш-профилактика муассасаларида психиатр мутахассислигига эга бўлган шифокорларнинг танқислиги, ҳатто айрим жойларда умуман йўқлиги аён бўлиб қолди. Бундан ташқари аҳоли орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари йилдан-йилга кўпайиб кетаётгани ва бу ўз навбатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва психиатр шифокорларнинг олдига бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берди. Бунга мисол қилиб бир қанча тиббиёт олийгоҳларида, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Бухоро давлат тиббиёт институтларида магистратурага психиатрия йўналиши бўйича қабул квоталарни Тошкент тиббиёт академиясида 15 нафаргача, юкорида санаб ўтилган олийгоҳларда эса 10 нафаргача кўпайтириш кўзда тутилган. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида "Психиатрия" йўналиши бўйича клиник ординатурада ўқиш учун ўринлар сонини 10 нафаргача ошириш режалаштирилган. Демак бу келажақда Республика миёссида психиатр шифокорларига бўлган талабни қондиришда мұхим омил бўлади. Навбатдаги янгилаишлардан бири юкоридаги қарор қарор ва фармонлар чиқарилди. Шу жумладан 2018 йил 16 марта чиқарилган №3606 "Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Президент қарори психиатрия соҳасидаги олға қадамлардан бири бўлди десак муболага бўлмайди. Бу қарорнинг

иқиши ўз навбатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва психиатр шифокорларнинг олдига бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берди. Бунга мисол қилиб бир қанча тиббиёт олийгоҳларида, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Бухоро давлат тиббиёт институтларида магистратурага психиатрия йўналиши бўйича қабул квоталарни Тошкент тиббиёт академиясида 15 нафаргача, юкорида санаб ўтилган олийгоҳларда эса 10 нафаргача кўпайтириш кўзда тутилган. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида "Психиатрия" йўналиши бўйича клиник ординатурада ўқиш учун ўринлар сонини 10 нафаргача ошириш режалаштирилган. Демак бу келажақда Республика миёссида психиатр шифокорларига бўлган талабни қондиришда мұхим омил бўлади. Навбатдаги янгилаишлардан бири юкоридаги қарор қарор ва фармонлар чиқарилди. Шу жумладан 2018 йил 16 марта чиқарилган №3606 "Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Президент қарори психиатрия соҳасидаги олға қадамлардан бири бўлди десак муболага бўлмайди. Бу қарорнинг

Давоми 5-бетда.



Ўқув игна билан қудук қазигандай, гайрат ва ижтиход, тўзим ва шижаот талаф қиласиган иш... Энг юкори таълим-тарбия, энг гўзал ахлоқ эгаси бўлингиз...



Хикмат

Давоми. Боши 4-бетда.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ички ишлар органлари ходимлари ўз жонига қасд қилиш ҳолати қайд қилинганда, уларнинг ҳар бири ҳақида психиатрик муассасага хабар бериши белгилаб қўйилди. Бу тизимнинг яратилиши шу каби беморлар психиатрик шифохонага мурожаат қилганда, улар ҳақидаги мавжуд маълумотлар шифокорга ташхис ва даволаш муолажаларни олиб боришида катта ёрдам беради. Тўпланган маълумотлар ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари бўйича аниқ статистика олиб бо-

риша кўмак беради. Руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ногиронларнинг меҳнат терапияси, уларни касб-хунарга ўргатиш Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хусусий ва давлат шерикчилик асосида ишлаб чиқариш корхоналари тузилиши руҳий касалликка чалинган беморларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига ва мослашишга, шахс сифатида маълум бир мавқега эга бўлишига, молиявий жиҳатдан аҳволи яхшиланишига ёрдам беради. Ушбу фармонда даволаш ишлаб чиқариш корхоналари 2018 йил 1 июлдан 2023 йил 1 январгача ер солиги, юридик шахслардан олина-

диган даромад солиги, мулк солиги, шунингдек, ягона солиг тўловидан озод этилиши белгилаб қўйилган. Бу эса хусусий даволаш ишлаб чиқариш муассасаларининг кўпайишига, бир-бiri билан рақобатбардош клиникалар пайдо бўлишига олиб келади. Келажақда невротик даражадаги руҳий бузилишларни, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг нафақат камайишига, балки олдини олишга эришилади.

**З.АШУРОВ, И.РАЖАПБАЕВ,
М.РАЖАБОВ,**
**Тошкент тиббиёт академияси
психиатрия ва наркология
кафедраси ўқитувчилари**

Ёшлар онги ва тафаккурида мафкуравий иммунитетнинг шаклланиши

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари глобаллашувнинг иқтисодий ва техниковий ютуқларидан фойдаланиб яшамоқда. Натижада мамлакатлар ўртасидаги ўтиб бўлмас чегаралар йўқолиб, одамлар барча даврларга нисбатан чуқурроқ, бевосита ва кўп томонлама алоқаларга киришмоқда. Айни пайтда бу ҳолат салбий ҳодисаларга сабаб бўлмоқда, чунончи, узоқ масофалар билан қилинган алоқалар яқинлари билан муносабатни узоқлаштироқда, ўз насл-насабидан бегоналашувига сабаб бўлмоқда. Дунё, одамлар ва қадриятлар ўз қадр-қимматини йўқотиши билан қавм-қариндошликтан, миллий маданияти, тарихидан узоқлашиб кетмоқда. Оқибатда, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг инсонлар маънавиятига таъсир этувчи мафкуралашган ҳолдаги глобаллашуви пайдо бўлмоқда.

Бугун Марказий Осиё минтақасида турли манбаатлар ва мафкураларнинг аёвсиз тўқнашуви кузатилмоқда. Бир томонда миллий ғояга таҳдид солиши мумкин бўлган гўёки ўрта асрларда мусулмон халифалигини тикилаши ўз олдига максад қилиб қўйган экстремистик гурухлар ҳамон яшаб келмоқда.

Шу билан бир қаторда бу ҳудудни ўз геосиёсий манбаатларига мослаш мақсадидаги айрим кучлар демократия ва инсон ҳуқуқарини ҳимоя қилиш никоби остида кенг кўламдаги мафкуравий тазиёйларни ўштироқда. Шу ўринда АҚШнинг таникли тадқиқчиларидан бири З.Бэзинскийнинг "ушбу минтақада устунликни ким қўлга киритса, шұбҳаси геосиёсий ва иқтисодий ютуқни қўлга киритади", деган фикрини эслаш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Бугунгина билан қадамзод мөнгалинг 1 майдан бошлаб психиатрия соҳасида хусусий тиббиётни ривожлантириш бўйича бир қатор имтиёзлар берилди. Шулардан бири, хусусий тиббиётни шакллантиришда айрим психиатрия хизматларидан, масалан, невротик ёки чегаравий даражадаги руҳий бузилишлар ва руҳий касалликлар

ишида келади. Гардан келиб келаётган "оммавий маданият" ёшларни, миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга хилоф бўлган ахлоқсизлик, зўравонлик, илмисизликка ундовчи тарғибот материалларини олиб киряпти.

Бундай ҳолатлар авваллари интернет клубларида эди. Бугун турли ижтимоий сайтларда, телефонлардаги телеграмм, фейсбук ва бошқалар орқали интернетдан тарқалмоқда.

Миллий менталитетимизга зид бўлган бундай одатлар эса ёшларнинг маънавий туబланлашишига, енгилтак дунёкараш шаклланишига олиб келмоқда.

Биз бугун фуқароларнинг эркинлиги ва мустакил тафаккурига асосланган жамияти кураётган эканмиз, ёшларимизга жамиядада мутлақ өнлини мумкин эмаслигини тушунтириб боришимиз зарур.

Хозирда дунё глобаллашув жараёнларига тортилган. Бу эса техника соҳасида ўсишга, инсонларга қулайлик яратишига олиб келмоқда.

Мафкуравий иммунитет шахс томонидан Ватан, миллат таъкидларига кўнгилли, ғояга асосланадиган кундаклик ишларда намобён бўлади. Бу фоаълик миллий бирлик, маънавий юқаслишига ҳалқати берәётган сифатлар, ёт қарашлар, миллий ҳавфсизлигимизга, ички ва ташки таҳдидларга очик ва мардана қарши туришини ҳам ўз ичига олади. Миллий мафкуравий иммунитет ҳар бир йигит-қиз, фуқародаги мустакилларнинг сиёсий моҳияти, испоҳотлар ютуқлари ва муаммолари, ички ва ташки сиёсатга доир чуқур билимларга таянади.

Шундай экан, келажаги буюк Ўзбекистонни, озод, обод Ватанни яратиш ва умуман, испоҳотларнинг тақдирни оҳир-оқибатда бугун шаклланадиган авподдинг дунёкарашига, ижтимоий мулжалларига, замонавий илм-фан ва касбларни эгаллашига, амалий ташкилотчилигига бевосита боғлиқ.

**Ш.ИСКАНДАРОВ,
ТТА ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчisi**



Хикмат

Тарбия – қийин иш ва унинг шароитларини яхшилаш – ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир, ўзинг ва яқин кишиларнинг таълим беришдан ҳам мухимроқ ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас, ахир...



Хикмат